

## МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ КОРХОНА ФАОЛИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Темиров Абдулазиз Алимжанович,  
ТДИУ “Корпоратив бошқарув” кафедраси, и.ф.н. доцент

Олимжонов Раҳматуллоҳ,  
ТДИУ “Корпоратив бошқарув” мутахассислиги магистранти

### АННОТАЦИЯ

Акциядорлик жамиятларининг молиявий маблағларини баҳолаши ва бошқаришининг аниқ белгилари илмий асосланган ривожлантириши қарорларини қабул қилиши, мазкур фаолиятни оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириши корхоналар келажагини белгилайди. Мазкур мақолада акциядорлик жамиятларини молиявий маблағлар билан таъминлашининг назарий асослари очиб берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида молиявий маблағларининг шаклланиши амалиёти таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган. Муаллиф томонидан молиявий маблағларни бошқаришини тақомиллаштириши билан бөғлиқ бўлган тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган, бу эса ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг мазмунини очиб берилишига ёрдам берган.

**Калим сўзлар:** акциядорлик жамияти, молиявий маблағлар, пул турушумлари, пул чиқимлари, пул оқимлари прогнози, молиявий маблағларини баҳолаши, пул маблағларини самарали бошқарши.

### ABSTRACT

The exact determination of the assessment and management of the financial resources of Joint-Stock Companies determines the future of enterprises, the formation of internal and external financial resources taking into account all the conditions based on the adoption of scientifically based development decisions, the rational regulation of this activity. In this article, the theoretical foundations for the provision of Joint-Stock Companies with financial funds were revealed, as well as the practice of the formation of financial mblags in Joint-Stock Companies of the Republic of Uzbekistan was analyzed and the existing trends were identified. Proposals and recommendations related to improving the management of financial resources were developed by the author, which contributed to the disclosure of the content of the topic of this master's thesis.

**Keywords:** Joint-Stock Company, financial resources, cash receipts, cash receipts, cash flow forecast, financial valuation, effective cash management.

## КИРИШ

Бозор муносабатларини ривожлантириш мақсадида корхоналар ўз фаолиятида молиявий ресурслар ва уларни бошқариш доимий эътибор бериб келмокда. Чунки молиявий ресурслар улар фаолиятида иқтисодий ўсишни, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ресурслар ва уларни бошқариш масаласи доимо долзарб бўлиб келган.

Молиявий ресурслар корхона ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши, молиявий мажбуриятларни бажариши ҳамда ишчи-хизматчиларни рағбартлантириши учун мўлжалланган.

Молиявий ресурслар ўз ва жалб қилинган пул маблағларидан ташкил топади. Молиявий маблағлар тақсимот воситаси сифатида истеъмол соҳасида ҳам муомалада бўлади [1]. Айни шу жараёнда илгари яратилган унинг моддий, натурал-товар шаклидан узил-кесил фойдаланилади. Бунда молиявий маблағлар энг аввало, жамият истеъмол қилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатади; улар ёрдамида ижтимоий маҳсулот қиймати жамғариш фондига ва миллий даромадга тақсимланади, миллий даромаддан фойдаланишнинг якуний нисбатлари шакллантирилади, истеъмол фонди ва жамғариш фонди юзага келтирилади, уларнинг таркиби белгиланади. Лекин, молиявий маблағларнинг истеъмол соҳасига таъсири айни истеъмол фондининг миқдор жиҳатдан параметрлари ва айрим таркибий қисмлари билан чекланмайди. Молиявий маблағлардан, шунингдек моддий, меҳнат ва пул-сармояларни сарфлашда тежамкорлик режимига риоя қилишини назорат этиш воситаси сифатида фойдаланилади, ноишлаб чиқариш соҳаси ҳодимларининг энг яхши меҳнат натижаларини рағбатлантиришда ҳам фойдаланилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Акциядорлик жамиятларида молиявий маблағлар, уларни аниқлаш ва шакллантириш, кредитлаш ва инвестициялаш жараёнлари самарадорлигини ошириш ҳамда уларни бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар, шунингдек ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида жиҳатлари ўз аксини топган. И.Балабановга кўра, “молиявий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш, режалаштириш ва рағбатлантиришда ифодаланган молиявий воситаларнинг ишлаш тизими”dir [2]. И.Бланк фикрича, молиявий механизм “корхонанинг молиявий фаолияти соҳасидаги бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига таъсир этишнинг асосий элементлари тўпламидир” [3].

Акциядорлик жамиятлари фаолиятида молиявий маблағларни бошқариш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, таъриф ва тушунчаларнинг шаклланишини қиёсий солиштириш, маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш ва бошқа усусларидан кенг фойдаланилган.

## НАТИЖАЛАР

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарали бошқариш корхона ресурс потенциалини оптималлаштиришни кўзда тутади. Бундай ҳолда маблағлардан самарали бошқаришнинг аҳамияти ортади. Молиявий маблағлар бу ҳолатда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади, чунки улар корхонанинг бевосита ва қисқа муддатда барча кўринишидаги ресурларидан бирига айланиши мумкин бўлган ягона ресурс ҳисобланади.

Молиявий маблағлар бошқарувнинг барча бўғинларида, айниқса, корхонанинг стратегик ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, бошқаришнинг муҳим бўғини бўлган молиявий менежмент корхона бошқарувида асосий ўринни эгаллайди [4].

Молиявий ресурсларнинг манбалари қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Миллий даромад. Миллий даромаднинг соф даромад қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар.

3. Миллий бойликнинг бир қисми – бюджет маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- суғурта ташкилотларининг резерв фондлари;

- мамлакат олтин заҳираларининг бир қисмини сотищдан тушган тушум;

- ортиқча мулкларни сотищдан тушум ва бошқа.

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- банк кредитлари;

- кредиторлик қарзлари;

- актсия ва облигатсиялар чиқаришдан тушум;

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Молиявий ресурсларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Шунингдек, молиявий ресурсларнинг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий микдорларда ўсишига таъсир кўрсатади.

Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашмаган молиявий ресурслар бўлиб, улар капитал қуилмаларга; айланма маблағларнинг ошишига; фан - техника ютукларини жорий қилишни молиялаштиришга; табиат муҳофазасига; ижтимоий мақсадларга сарфланиши мумкин.

## МУҲОКАМА

Маълумки, корхонанинг молиявий маблағлари бу унинг асосий ва айланма капиталлари бўлиб ҳисобланади. Молиявий маблағларни шакллантириш ва тўлдириш корхонанинг асосий муаммоси бўлиб, бирламчи шакллантириш корхонани таъсис этиш пайтида юзага келади. Молиявий маблағларнинг асосий манбалари бўлиб фаолиятдан олинган фойдаси бўлиб ҳисобланади, шунингдек, у барқарор пассивлар, турли хилдаги мақсадли тушумлар, пай-бадаллар ҳисобидан шаклланиши мумкин.

Молиявий маблағларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий маблағларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий маблағларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади [5]. Уларга қўйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигининг ошиши.
2. Мехнат унумдорлиги.
3. Фонд сифимининг камайиши.
4. Фонд қайтимиининг ошиши.
5. Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.

Шунингдек, молиявий маблағларнинг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий маблағларнинг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади.

Макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари марказлашган молиявий ресурслар орқали қондирилиб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

Такрор ишлаб чиқариш ҳаражатларини таъминлаш З шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корхоналар ўз ҳаражатларини ўз молиявий ресурслари эвазига қоплайдилар. Уларнинг этишмаслиги шароитида улар ҳаражатларни камайтиришга ёки четдан жалб қилишга (молиявий бозордан) ҳаракат қиласидилар.

2. Кредитлаш. Бунда субъект ҳаражатлари муддатлилик, тўловчанлик ва қайтарилиш асосида олинган банк кредитлари эвазига қопланади.

3. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча ҳаражатлар бюджет ва бюджетдан ташқари фонд эвазига қопланади.

Амалда юқоридаги учала усулдан бароварига бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Узлуксиз молиялаштиришни таъминлашда молиявий резервлар катта аҳамиятга эга. Резервларнинг аҳамияти бозор иқтисодиёти шароитида янада ошади. Резервлар – турли кўзда тутилмаган ва фавқулотда ҳолатдан келиб чиқадиган ва ҳар қандай тангликтан чиқарадиган эҳтиёт қисм – кафолатдир. Резервлар моддий ва молиявий резервларга бўлинади:

Молиявий резервлар – давлат ва хўжалик субъектлари пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида вақтинча катнашмайди, лекин ўз эгасининг хўжалик оборотига қайтиш имкониятига эга ва шунинг учун умумий пул оборотида сақланиб туради. Молиявий резерв фонdlарини шаклланиш усулларига кўра:

- бюджет йўли билан;
- тармоқ ичида норматив ажратма асосида;
- корхона ичида ўз ўрни суғурталаш асосида;
- маҳсус суғурта ташкилотлари орқали суғурталаш йўли билан тузилади.

Корхоналар молиявий ресурсларни шакллантириш ўз маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар, молиявий бозордаги ресурсларни йиғиши ва қайта тақсимлашдан тушадиган пул маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ҳаракатда бўлган корхонанинг молиявий ресурсларининг асосий манбай сифатида сотилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) дан тушган тушум ва уни тақсимлаш жараёнида унинг турли қисмлари пул даромадлари ва жамғармалари шаклини олади [6].

Шунингдек, уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш борасида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга асосланган ҳамда уларга жойлашган жойи ва тижорат банклари филиалларида молиявий маблағларнинг мавжудлигидан қатъи назар тадбиркорлик фаолияти учун кредитларни соддалаштирилган тартибда ва тенг шартларда жалб қилиш имконини берувчи “бир хил” (намунали) банк маҳсулотлари— “модул”ларни ишлаб чиқиши ва банк хизматларини кўрсатиш амалиётига жорий этишни ўз ичига олган.

## ХУЛОСА

Корхонанинг молиявий ресурсларини баҳолаш ва бошқаришнинг аниқ белгилаш илмий асосланган ривожлантириш қарорларини қабул қилиш, мазкур фаолиятни оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш

корхоналар келажагини белгилайди. Инвестициялар учун эса, зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истельмол ва жамғарма нисбатига боғлик.

Корхоналарни ривожлантирилиши учун туб силжишлар, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтириладиган капитал ҳажмларининг кескин ортиши ҳамда улардан олинадиган самарадорлигининг ўсиши зарурдир. Буларнинг барчаси бугунги кун воқеликларини ҳисобга оладиган ҳамда назарий пойдеворга таянган молиявий ресурсларининг жалб қилиш сиёсатига янгича ёндошувларни ишлаб чиқишини тақозо этади. Корхонанинг молиявий ресурсларини баҳолаш ва бошқаришнинг ҳажмини кенгайтириш учун уларни аниқлаш амалиётини атрофлича тадқиқ этиш заруриятини юзага чиқаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Буренин А.Н. (2008) Рынок ценных бумаг и производных финансовых инструментов: Учеб. пособие / - М.: 1-Фед. Книготорговая Компания, 348 с.
2. Балабанов И.Т. (2009) Риск-менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 265 с.
3. Бланк И.А.(2016) Концептуальные основы финансового менеджмента. – К.: Ника-Центр, Эльга, 448 с.
4. Грачев А.Н. (2013) Финансовая устойчивость предприятия. Критерии и методы оценки в рыночной экономике. - М.: Дело и Сервис, – с. 400.
5. Лукасевич И.Я. (2016) Финансовый менеджмент. Учебник. - М.: Эксмо, 768 с/
6. Ковалев В.В. (2014) Курс финансового менеджмента: учеб.- 2- е изд., перераб. и доп.- М.: Проспект, 480 с.